

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ЖАВОХИР АБДУРАҲИМ ЎҒЛИ

ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
АКСИОЛОГИК ДУНЁҚАРАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Юлдашев Жавохир Абдурахим ўғли

Тарихни ўқитиш жараёнида талабаларнинг аксиологик дунёқарашини
ривожлантириш методикаси 3

Юлдашев Жавохир Абдурахим угли

Методика развития аксиологического мировоззрения студентов в процессе
преподавания истории 25

Yuldashev Javokhir Abdurakhimovich

Methods of developing students' axiological worldview in the process of teaching
history 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ЖАВОХИР АБДУРАҲИМ ЎҒЛИ

ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
АКСИОЛОГИК ДУНЁҚАРАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.1PhD/Ped.2012 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Шохидахон Жалолиддиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Исмоилов Алишер Файзиевич
педагогика фанлари (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 31 март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (711 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2022 йил 16 март куни тарқатилди.
(2022 йил 16 март даги 18 - рақамли реестр баённомаси).



Т. Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш. К. Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

К. М. Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кадриятли парадигма таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири сифатида эътироф этилиб, таълимнинг инсонпарвар йўналганлигига устуворлик бериш, умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида эркин шахсни тарбиялаш ғояси етакчи индикатор сифатида тан олинган. Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашнинг муҳим йўналиши сифатида инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига кадриятли йўналганликни таркиб топтириш, аксиологик потенциални ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш, таълим олувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришда тарихий-маданий меросдан самарали фойдаланишнинг педагогик механизмларини ишлаб чиқиш, айниқса, муҳим долзарблик касб этади. Мазкур жараёнда амалий фаолият тажрибасига асосланган ҳолда, кадриятли-дунёқараш асослари ва аксиологик “Мен” концепциясини таркиб топтиришнинг интегратив жиҳатларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда ижтимоий-гуманитар, шу жумладан, “Тарих” фани мазмунини аксиологик билимлар билан бойитишнинг методик тизимини такомиллаштириш, олий таълим жараёнида талабаларда кадриятли йўналганликни қарор топтиришнинг дидактик шарт-шароитларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, замонавий таълимнинг кадриятли йўналиши сифатида компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг методик усулларини ишлаб чиқиш, тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларини ривожлантириш, таълим олувчиларда тарихий воқеликка аксиологик муносабатни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, тарихни ўқитиш жараёнида ўқув материалларини аксиологик ёндашув асосида тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, тарих таълимини ташкил этиш жараёнларида аксиопедагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикамизда ўқувчи-ёшларни миллий ва умуминсоният тарихига ҳурмат руҳида тарбиялаш, тарих фанини ўқитишда узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминлашнинг ташкилий-методик шарт-шароитларини такомиллаштириш, таълим муассасаларида тарих фанини ўқитиш ва тарғиб қилиш ишларини тубдан яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга катта аҳамият қаратилмоқда. “Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти жуда катта. Афсус, бу фанлар ривожи замондан ортда қолмоқда. Хусусан, биз учун ниҳоятда долзарб бўлган тарих фани ҳам бундан мустасно эмас. ... Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур: миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш

керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”¹. Бу эса, тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш, мазкур жараённи амалга оширишнинг дидактик модели ва методик шарт-шароитларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада кадриятлар фалсафаси, тизими, талаба-ёшларда кадриятли йўналганликни таркиб топтиришнинг фалсафий-социологик жиҳатлари А.Бегматов, М.Бекмурадов, М.Каххарова, Қ.Назаров, Ж.Туленов, Э.Юсупов, талабаларда кадриятли йўналишларнинг намоён бўлиши, кадриятли ориентациянинг психологик хусусиятлари Ш.Баротов, М.Давлетшин, А.Жабборов, В.Каримова, Н.Сафаев, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаровлар, талабаларда миллий, умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий, шахсий, оилавий кадриятлар тизимини ривожлантириш масаласининг айрим педагогик жиҳатлари Б.Адизов, О.Жамолдинова, Ш.Мардонов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонава, Д.Рўзиева, Б.Ходжаев, Ш.Шарипов, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева,

¹ Мирзиёв Ш.М. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 20 январь. – 13-сон (7793).

М.Куронов, таълим жараёнида илмий, табиий дунёқарашни шакллантириш масалалари У.Нишоналиев, Р.Сафарова, Р.Ахлидинов, А.Рахимов, Н.Атакулова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Тарих фанини ўрганишнинг концептуал-методологик асослари А.Асқаров, Б.Аҳмедов, Д.Алимова, Н.Жўраев, А.Зиёев, Ж.Исмоилова, Р.Муртазаева, Э.Нуриддинов, Қ.Ражабов, М.Раҳимов, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, Р.Шамсутдинов кабиларнинг фундаментал тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Тарих фанини ўқитишнинг дидактик, методик тизимини такомиллаштириш бўйича Б.Ходжаев, М.Жуманиёзова, Р.Мулладжанова, С.Маҳкамов, Қ.Шоназаров, А.Исмоилов, О.Давлатовлар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Е.Бондаревский, Н.Зубенко, И.Исаев, В.Канке, В.Кан-Калик, Г.Корнетов, Б.Лихачев, Н.Никандров, З.Равкин, Н.Розов, В.Сластенин, И.Сурина кабилар томонидан таълимга аксиологик ёндашувни жорий этиш, Н.Амосов, В.Вилежцов, В.Иванов, М.Каган, Л.Лаврова, М.Морозова, Т.Мухина, Н.Огурцов, Р.Рогова, С.Смирнов, В.Тугаринов, И.Фроловлар эса дунёқараш ва унинг турли жиҳатларини тадқиқ этишган. А.Арапов, Л.Борзова, М.Бухаркина, Н.Брагина, М.Епифанцевалар томонидан тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологиялари ишлаб чиқилган.

Хорижлик олимлардан Ж.Ким, Б.Вилсон, А.Маслоу, В.Франкл кабилар шахс хулқ-атвори ва стратегияларининг ўзаро алоқадорлиги, шахс ривожининг интеллектуал, мотивацион ва кадриятли йўналишларининг ўзига хосликлари, S.Aronowitz, T.Barseghia, M.Carroll, K.Charmaz, M.Chen, D.Hancock, M.Hardiman, K.Kay, D.Pink, R.Sternbergлар тарихни ўқитишнинг креатив ва танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш масалаларини ўрганишган.

Бироқ талабаларда “аксиологик дунёқарашни ривожлантириш” тушунчаси интегратив атама сифатида илмий талқин қилинмаганлиги, тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг тузилмаси ва компонентларининг аниқлаштирилмаганлиги, тизимли ёндашув асосида тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг дидактик модели ва методик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 561624-ЕРР. “Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш” (2018-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“аксиологик дунёқараш” интегратив атамасининг моҳиятини ёритиб бериш орқали талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик хусусиятларини аниқлаштириш;

тарихни ўқитиш жараёнига аксиологик ёндашувни жорий этишнинг методик тузилмасини аниқлаштириш;

тизимли ёндашув асосида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг дидактик моделини ишлаб чиқиш;

тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарихни ўқитишда талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларига Наманган, Фарғона, Андижон ва Қарши давлат университетларининг 324 нафар респондент-талабаси жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фалсафий, илмий-педагогик, методик адабиётлар, ўқув-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, анализ, синтез, таққослаш, кузатиш, суҳбат, тест, қадриятли йўналганликни аниқлашнинг диагностик методикалари, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш жараёнлари инсон онгида олам манзараси, умуминсоний маданиятни акс эттирувчи антропологик тизим сифатида билишга доир, эмоционал, иродавий таркибий асосларнинг қадриятли йўналганлик билан бевосита ва билвосита алоқадорлиги интеграл тавсифга эга эканлигини белгилаш орқали аниқлаштирилган;

тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик тузилмаси тарихий тараққиётда инсон моҳиятини (табиатини) очиб берувчи тарихий-антропологик, эпистемологик, прогностик, гносеологик, шахсга индивидуал муносабатни аниқлаш, ўтмиш воқелиги ва далилларига баҳо беришга доир қадриятли жиҳатларнинг интегратив тарзда қайта алоқага киришув даражасини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг дидактик моделини ташкилий блоки аксиологизация, интегративлик, фаоллик ва билимларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш тамойиллари, мотивацион-мақсадли, мазмунли, жараёнга доир, назорат ва баҳолаш каби

компонентларнинг интериоризация (ички англаш) ва экстериоризация (ташқи намоён бўлиш) каби функционал кўрсаткичлари идентивлигини қатъий белгилаш орқали такомиллаштирилган;

тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик шартлари тарихий воқелик ва жараёнларини аксиологик нуқтаи назардан баҳолаш малакасини ривожлантириш, матн муаллифининг нуқтаи назарини тўғри баҳолаш ва ўз нуқтаи назарини яна-да ёрқинлаштириш учун хизмат қиладиган герменевтик таълим технологияси, фаол, интерфаол методларнинг ўзаро интеграциясини индивидуал ва интеграл когнитивлик даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

талабаларда аксиологик дунёқарашни шакллантиришда виртуал экскурсиялардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган;

тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг рефлексив усуллари мажмуи ишлаб чиқилган;

“Тарих фанида инновация: технологиялар, моделлар ва методлар” номли ўқув қўлланма нашр эттирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “дунёқараш”, “илмий дунёқараш”, “қадрият”, “аксиология”, “қадриятлар тизими”, “қадриятли йўналганлик”, “аксиологик дунёқараш” тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятининг очиб берилганлиги, тарих фанини ўқитишда талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, тарих фанини ўқитишда аксиологик ёндашувни жорий этишнинг методик тузилмаси, тарихни ўқитиш жараёнида талабаларнинг аксиологик дунёқарашини ривожлантиришнинг таркибий асослари, функциялари ва тавсифининг аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг дидактик моделининг ишлаб чиқилганлиги, методик шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги, тарихни ўқитиш жараёнида герменевтик таълим технологияларини қўллашнинг методик усуллари, тарихни ўқитиш

жараёнида моддий ва маънавий кадриятларни ўрганиш, тарихий жараёнларни аксиологик жиҳатдан баҳолашга доир интерфаол методлар ва рефлексив усуллардан фойдаланиш йўллари, талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожланганлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва диагностик воситаларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш жараёнларини инсон онгида олам манзараси, умуминсоний маданиятни акс эттирувчи антропологик тизим сифатида билишга доир, эмоционал, иродавий таркибий асосларнинг кадриятли йўналганлик билан бевосита ва билвосита алоқадорлиги интеграл тавсифга эга эканлигини белгилаш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 22 ноябрдаги 02/08/1496-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда таянч маънавий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилган;

тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик тузилмасини тарихий тараққиётда инсон моҳиятини очиб берувчи тарихий-антропологик, эпистемологик, прогностик, гносеологик, шахсга индивидуал муносабатни аниқлаш, ўтмиш воқелиги ва далилларига баҳо беришга доир кадриятли жиҳатларнинг интегратив тарзда қайта алоқага киришув даражасини ҳисобга олиш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида татбиқ этилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 22 ноябрдаги 02/08/1496-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда тарихий меросга аксиологик муносабатни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг дидактик модели ташкилий блокини аксиологизация, интегративлик, фаоллик ва билимларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш тамойиллари, мотивацион-мақсадли, мазмунли, жараёнга доир, назорат ва баҳолаш каби компонентларнинг интериоризация ва экстериоризация каби функционал кўрсаткичлари идентивлигини қатъий белгилаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-20170930223. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 4 декабрдаги 02-07-3942/04-сон маълумотномаси). Натижада, тарихни ўқитиш жараёнига аксиологик ёндашувни жорий этиш орқали талабаларда ижтимоий компетенцияни ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик шартларини тарихий воқелик ва жараёнларини аксиологик нуқтаи назардан баҳолаш малакасини ривожлантириш, матн муаллифининг нуқтаи назарини тўғри баҳолаш ва ўз нуқтаи назарини яна-да ёрқинлаштириш учун хизмат қиладиган герменевтик таълим технологияси, фаол, интерфаол методларнинг ўзаро интеграциясини индивидуал ва интеграл когнитивлик даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан КА107/2018-2019 рақамли НамДУ ва Тимишоара Ғарб университети ўртасида тузилган Erasmus+ mobility program лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 4 декабрдаги 02-07-3942/04-сон маълумотномаси). Натижада, тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, асосий матн 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида янги Ренессанс шароитида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари, мазкур жараённи амалга оширишнинг амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Аксиологик дунёқарашни ривожлантириш масаласи узоқ тарихга эга бўлсада, психологик-педагогик адабиётлардаги мазкур муаммога оид фикрлар, илмий-тадқиқотларни етарли деб бўлмайди. Мазкур муаммонинг

айрим жиҳатлари, хусусан талабаларда тадқиқотчилик компетенциялари ва кадриятлар тизимини шакллантириш, ёшларда дунёқарашни таркиб топтиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш билан боғлиқликда муайян тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Тадқиқот предмети билан боғлиқликда диссертацияда “дунёқараш”, “илмий дунёқараш”, “аксиология”, “кадрият”, “аксиологик дунёқараш” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида дунёқараш тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Дунёқараш – дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари”.

Педагогика фанидан изоҳли луғатда ҳам дунёқараш тушунчасига кўплаб таъриф ва изоҳлар келтириб ўтилган. Жумладан: “Дунёқараш – бу кишиларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳоказо қарашлари ва тасаввурлари мажмуасидир”.

Академик Ж.Туленовнинг “Диалектика назарияси” номли китобида “Дунёқараш – олам ҳақидаги яхлит, умумлаштирилган билимлар йиғиндисидир. Кишилар теварак атрофдаги нарса ва ходисалар тўғрисидаги қанча маълумот, билимга эга бўлсалар, уларнинг дунёқарашлари ҳам шу даражада мукамал ва пухта бўлади”, деган нуқтаи назар баён этилган.

В.А.Совалевнинг таъкидлашича, дунёқараш инсон ҳаётининг дастурлаштирилган, чуқур ўйланган режаси бўлиб, у шахснинг ҳаёт тарзини ҳам ифодалайди. Дунёқарашнинг таркиб топиши эса инсон ҳаётининг мазмунига боғлиқдир.

Демак, дунёқараш талабаларнинг олам ва унинг яхлит манзараси, инсоният босиб ўтган ўтмиш ва бугунги куннинг ўзаро алоқадорлиги, истиқболдаги ўзгаришлар ва янгиланишларни башоратлаш билан боғлиқ нуқтаи назар, идеал, кадрият, ишонч, эътиқод, ҳаётий мақсадлари тизимидир.

Илмий дунёқараш эса, дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган илмий қарашлар тизими ҳамда бундай илмий нуқтаи назарга нисбатан инсоннинг эътиқоди, уни билиш ва ўзлаштиришга нисбатан интилишидир.

Олам манзарасини англаш, ўз навбатида кадриятлар билан бевосита боғлиқдир. Кадриятлар ҳақидаги таълимот эса, аксиология деб номланади. Аксиология олам моҳиятини диний ва илмий асосда билишдан бутунлай фарқладиган кадриятли билишга, яъни нарса ва ходисалар моҳиятини билишга ижтимоийлашган инсон манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашишга асосланади.

Диссертацияда аксиология тушунчаси кадриятлар, уларни кишиларнинг оламга муносабати ва дунёқарашлари яхлит тузилмасидаги ўрни ҳамда роли ҳақидаги фалсафий таълимот сифатида қабул қилинди. Таълимот сифатида аксиология ҳақидаги яхлит тасаввурга келиш учун тўрт гуруҳ аксиологик

назарияларга асосланилди: 1) аксиологик трансцендентализм; 2) аксиологик нормативизм; 3) аксиологик психологизм; 4) аксиологик антологизм.

“Қадрият” тушунчаси воқеа ва ҳодисаларнинг объектив борлиғи, унинг шахс, гуруҳ ва жамият учун аҳамиятини ўзида тўла ва ёрқин акс эттиради. Нарса ва ҳодисалар такомиллашиб бориши, уларнинг шахс, гуруҳ ва жамият учун аҳамияти ортиб бориши билан “қадрият” тушунчасининг мазмуни ҳам чуқурлашиб ва кенгайиб бораверади.

Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аждодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди.

Юртимизда яшаган алломаларимиз қарашларида қадриятлар муаммосига катта эътибор берилган. Турли мутафаккир ва олимлар мансуб бўлган хилма-хил оқимлар ва тариқатлар бирор шаклдаги қадриятлар тизимига эътиқод қилганлар, у ёки бу қадриятларни турлича талқин қилиш ва унга эршиш йўллари кўрсатиб берганлар. Шу маънода қадриятшунослик фани юртимиз тарихида ўз ўтмишига эга, унинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Бу эса, тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиши лозимлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, дунёқараш ва қадриятли йўналганлик тузилмаси ўз ичига билим, нуқтаи назар, инонишни акс эттирувчи билишга доир, руҳият, туйғу, қайғуни ўзида бирлаштирувчи эмоционал, хатти-ҳаракат, муносабатни ифода этувчи иродавий таркибий асосларни қамраб олади. Мазкур воқеликлар тузилмасидаги бундай умумийлик “аксиологик дунёқараш” интегратив тушунчасини қўллаш имконини беради.

Аксиологик дунёқараш деганда, инсон онгида олам манзараси, умуминсоний маданият, уларнинг ўзаро интеграциясини акс эттирувчи ўзаро алоқадор моҳиятга эга қадриятли йўналишлар тушунилади ҳамда табиат, инсон, социум ҳақидаги илмий асосланган тасаввурлар, унга муносабатига кўра идеал, ишонч, хулқ-атвор тамойиллари ва меъёрлар тарзида намоён бўлади.

Тарихни ўқитишда талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилади ва қуйидаги мантиқий занжир тарзида намоён бўлади: талабалар табиат ва жамиятдаги объектив қадриятлар билан таништирилади – талабаларда шахсий қадриятлар таркиб топтирилади (интериоризация) – талабалар индивидуал онгида ҳаётий қадриятлар ҳосил қилинади – фаолият жараёнида шахсий қадриятлар экстеоризацияси амалга ошади. Мазкур жараён моҳиятини таҳлил қилиш талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг асосий дидактик шарт-шароитларни ажратиш имконини бериши: ижтимоий ҳаёт қадриятлари ва идеаллари ҳақидаги тасаввурларни

шакллантириш; тарихни ўқитиш жараёнида табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимларни ривожлантириш, мазкур жараёнда олинган ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш; фаоллик ва шахсинг эмоционал-иродавий (шахсий нуқтаи назар ва эътиқодни самарали ривожлантиришни таъминлайдиган интеллект билан ҳис-туйғуларни умумлаштириш) сифатларини таркиб топтириш.

Диссертациянинг **“Тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни лойиҳалаштириш”** деб номланган иккинчи бобида тарихни ўқитиш жараёнига аксиологик ёндашувни жорий этиш мазмуни, талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг дидактик модели, шакл, метод ва воситалари ёритиб берилган.

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналиши 2020-2021 ўқув йилигача 1-курсларда Ўзбекистон тарихи жами 90 соат ҳажмида ўқитилиб, 26 соат маъруза, 28 соат семинар ва 36 соат мустақил таълимни ташкил этган. 2020-2021 ўқув йилидан “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” фанини ўқитиш бошланди.

“Тарих” бакалавриат таълим йўналишларида “Ўзбекистон тарихи” фани 1-3 курсларда ўқитилиб, Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттиради. Бироқ “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув фаолияти натижаларига кўйиладиган малака талабларида тасаввурга эга бўлиш, билиш ва фойдаланиш ҳамда кўникмаларга эга бўлиш масалалари ўз аксини топган. Мазкур фан дастурининг бирор бир курсида аксиологик дунёқарашни ривожлантириш билан боғлиқ ўқув фаолияти натижаси аниқ белгилаб берилмаган.


Шунингдек, тарих бакалавриат таълим йўналишларининг “Ўзбек давлатчилиги тарихи”, “Археология ва этнология”, “Музейшунослик”, “Архившунослик”, “Тарихий география”, “Тарих фанида инновация: технологиялар, моделлар ва методлар” каби умумқасбий ва ихтисослик фанлари дастурларини таҳлил этиш натижасида тарихни ўқитиш жараёнига аксиологик ёндашувни жорий этишнинг методик жиҳатларини аниқлаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Инсоннинг атрофдаги олами англаши мазкур жараённинг характери, уни ташкил этиш даражасидан қатъий назар, ҳамма вақт маълум бир объектга муносабат ва у билан ўзаро ҳаракатда бўлиш шакли билан уйғунликда амалга ошади. Тарихнинг аҳамияти кенг маънода ижтимоий ва шахсий, эпистемологик ва экзистенциал жиҳатдан инсон онгидан мустақил равишда воқеликни билиш, объектни (тарих) баҳолашмасдан туриб, субъект унинг моҳиятини тўлиқ англай олмаслиги, унинг ўзига хосликлари сирли тус касб этиши билан бевосита боғлиқдир. Ўтмишни тарихий рефлексия кўникмалари, баҳолаш мезонлари орқали мақсадга мувофиқ ўзлаштириш унинг аҳамиятини ифода этмайди, бироқ ўрганилаётган ҳодиса қадрият сифатида субъектга ўзини-ўзи “кашф этиш” имконини беради. Тарихни таълим олувчилар томонидан бундай тарзда “кашф этилиши”, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаш ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини

аксиологик ёндашув тамойиллари асосида ташкил этиш орқали амалга ошиши мумкин.

Аксиологик ёндашувга асосланган ўқитиш жараёнини педагогик моделлаштириш қадриятли муносабатни шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида тарих таълими мазмунини ёритиб бериши ва шунга мувофиқ равишда уни амалга оширилишини таъминлаши керак. Айнан аксиологик компонент Давлат таълим стандарти ва дастурларининг таркибий асосларини алоҳида-алоҳида ўрганиш имкониятини тақдим этиб, инсон ҳаёти мазмуни, тарихнинг туб моҳияти, турли тарихий даврлар, билиш жараёнларининг аҳамиятини кенг равишда очиб беради.

Н.М.Чучула томонидан тақлиф этилган тарих ўқитиш мазмунини аксиологик ёндашувга асосланган тузилмаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, махсус ўқув модуллари ва етакчи фаолият турларини ажратиб кўрсатиш имконини беради (1-расмга қаранг).



1-расм. Тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг методик тузилмаси

Тарихни ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган таълим жараёнини татбиқ этиш нуқтаи назаридан талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш моделини ишлаб чиқишда қуйидаги тамойилларга асосланildi: аксиологизация, интегративлик (фанлараро алоқадорлик), тизимлилик, тушунарлилик, фаоллик ва билимларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш.

Тизимли ёндашув асосида тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг қуйидаги таркибий асослари белгилаб олинди: мотивацион-мақсадли, мазмунли, жараёнга доир, назорат ва баҳолаш (1-жадвалга қаранг).

Тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг компонентлари ва тавсифи

Таркибий асослари	Функциялари	Тавсифи
Мотивацион-мақсадли	<ul style="list-style-type: none"> • аксиологик дунёқарашни ривожлантиришга рағбат ҳосил қилади; • қадриятли дунёқарашни ривожлантиришни аниқлаштирувчи “мақсадлар дарахти”ни таркиб топтиради 	<ul style="list-style-type: none"> • ўқитувчининг етакчилик роли; • шахсий аҳамиятга эга қадриятларга асосланиш.
Мазмунли	<ul style="list-style-type: none"> • дунёқараш билан боғлиқ билимлар тизимини аниқлаб беради; • мазкур билимларни ўзлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради; • аксиологик дунёқарашни ривожлантиришга доир савол ва муаммоларни ишлаб чиқади 	<ul style="list-style-type: none"> • манбаси – билимлар ва социум; • тарихий фанлар мазмунига таянилади
Жараёнга доир	<ul style="list-style-type: none"> • талаба ва ўқитувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятини аниқлаб беради; • талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш босқичларини белгилаб беради; • қўйилган мақсадга эришиш учун шакл, метод ва воситаларни ишлаб чиқади. 	<ul style="list-style-type: none"> • талабаларнинг фаоллиги ва ижодийлигига таяниш; • интерфаол методларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш; • белгиланган босқичлар билан боғлиқликда жараён бойитиб борилади.
Назорат ва баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> • аксиологик дунёқарашни ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини аниқлаб беради; • мезонларга мувофиқ ривожланганлик даражасини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқади. 	<ul style="list-style-type: none"> • сифатни баҳолаш; • талаба ва ўқитувчи ўртасида қайта алоқани таъминлаш.


1-жадвалда келтириб ўтилган таркибий асосларга мувофиқ, тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришнинг дидактик модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш аниқ методик шарт-шароитларни ҳисобга олишни тақозо этади:

1. Талабаларнинг тарихий воқелик ва жараёнларини аксиологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш малакасини ривожлантириш. Яъни, муаммони қўйиш, ҳал этиш, амалга ошириш каби қарор қабул қилиш босқичларини аниқлаштиришда амалий ва мустақил изланишга доир даражаларга асосланишни талаб этади.

2. Ўқув жараёнида талабаларни тарихий воқелик идрок этишга доир индивидуал услубини ҳисобга олиш, таҳлил этиш (табақалашган когнитив услуб) ва умумлаштириш (интеграл когнитив услуб)ни талаб этувчи амалий топшириқларни қўллаш.

3. Ўқув жараёнида тарихий матнлар билан ишлаш технологияларидан самарали фойдаланиш.



2-расм. Тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш модели

Тарихни ўрганиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантиришда айниқса, герменевтик ёндашувга асосланишни талаб этадиган матнлар устида ишлашни ташкил этиш самарали эканлиги аниқланди. Герменевтик таълим технологияси ҳамда фаол ва интерфаол методлар (социодрама ўйинлар, тренинглар, мунозара) талабаларда матн муаллифининг нуқтаи назарини тўғри баҳолаш ва ўз нуқтаи назарини яна-да ёрқинлаштириш учун зарур шарт-шароит яратади. Талабаларнинг матнлар

устида ишлашнинг ташкил этиш бир нечта босқичларда амалга ошади: 1) мотивацион (тарихий воқеликни қадрият нуқтаи назаридан ўрганишга иштиёқни ҳосил қилиш); 2) баҳолашга доир (воқеликнинг қадриятли моҳиятини тушуниш ва англаш); 3) коммуникатив (қадриятли ёндашув асосида муаммоли вазиятни ҳал этиш); 4) рефлексив (шахсий нуқтаи назарни таркиб топтириш, шахсий-қадриятли муносабатни ифода этиш). Талабаларни воқеликни чуқур таҳлил этишга жалб этадиган контекстли (А.А.Вербицкий) ёндашувга кўра, тушуниш, яъни ахборотни идрок этишда “мазмун муҳим моҳият касб этувчи ролни ўйнайди”.

Шунингдек, тарихни ўқитиш жараёнида моддий ва маънавий қадриятларни ўрганиш, тарихий жараёнларни аксиологик жиҳатдан баҳолашга доир интерфаол методлар ва рефлексив усуллардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.

Маънавий меросни аксиологик таҳлил қилиш мақсадида икки қисмли кундаликлар тузиш таклиф этилди. Бунинг учун қуйидаги тарзда топшириқ берилди: “Ғиёсиддин Алининг “Ҳиндистон ғазоти кундалиги”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Испания элчиси Клавихонинг Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асарларини ўқиб чиқинг ва “Амир Темур шахси ва фаолияти – қадриятлар манбаи” мавзусида икки қисмли кундалик тузинг”.

Таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларнинг рефлексив позициясини ривожлантириш мақсадида вазиятлар таҳлиliga доир машқ ва топшириқлар тизимидан мажмуавий тарзда фойдаланилди: “Вазият таҳлили: Мен кадрлайман...”; “Вазият таҳлили: қайта алоқа”; “Тарихга қадриятли муносабатда бўлишнинг аҳамияти шундаки...” мавзусида асосланган эссе ёзиш”; жуфтликда муҳокама қилиш; гуруҳий мунозара.

Диссертациянинг **“Тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ва натижалари ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи бобида баён этилган назарий фикрларнинг амалий ишланмалар билан уйғунлаштирилганлиги, мавжуд педагогик жараённинг ҳар томонлама таҳлил этилганлиги, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ютуқларни бойитиш таъкидловчи тажриба-синов ишлари давомида белгилаб олинди. Шунга кўра, амалга оширилган таъкидловчи тажриба-синов ишларини самарали ташкил этиш мақсадида махсус кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олган дастур ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур дастур асосида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш бўйича амалга оширилган тажриба-синов ишларининг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи кўрсаткичлар, шунингдек, тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш методикаси ёритилди.

Ушбу дастурни тузишдан кўзда тутилган асосий мақсад – тадқиқот концепцияси, объекти, предмети, вазифалари ва илгари сурилган илмий

фаразлардан келиб чиққан ҳолда, тажриба-синов ишлари самарадорлигини оширишнинг амалий жиҳатларини аниқлаш ва пухта ўрганиш орқали, энг мақбул шакл, метод ва воситаларни белгилашдан иборат.

Тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш бўйича ташкил этилган тажриба-синов ишлари қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилди: тажриба-синов ишларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги; тажриба-синов ишларининг изчиллиги, тизимлилиги ва узвийлигининг таъминланганлиги; муаммонинг назарий асослари билан амалий ишланмалар орасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги; респондентларнинг ўз имкониятларини эркин рўёбга чиқара олишларига эришилганлиги; тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш учун қулай педагогик вазиятнинг вужудга келтирилганлиги.

Қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлиқликда 2018 йилдан 2021 йилгача уч босқичда тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Далил мезони натижаларнинг сифат жиҳатдан аҳамиятлиги ва типик белгиларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўзида акс эттиради. Даража мезонлари эса, миқдор муносабатлари, маълум бир шахсий хусусиятлар, уларнинг динамикаси намоён бўлишини ифода этади. Шундай қилиб, тадқиқот доирасида талабаларда аксиологик дунёқарашнинг ривожланганлиги баҳолашнинг мажмуавий мезонлари аниқлаштирилди: тарихий воқеликни аксиологик идрок этиш; англаш; тушуниш, баҳолаш. Мазкур мезонлар асосида далил ва даражавий кўрсаткичлар белгилаб олинди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Аксиологик дунёқарашнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Мезонлар	Кўрсаткичлар	
	Далилий	Даражавий
Тарихий воқеликни аксиологик идрок этиш	Тарихий воқеа-ҳодиса ва жараёнларга барқарор кизиқишнинг мавжудлиги	Аксиологик дунёқарашни ривожлантириш учун зарур ижтимоий-тарихий билимлар ҳажми
Тарихий воқеликнинг аксиологик аҳамиятини англаш	Кўпроқ ахборот олишга интилиш ва қўлга киритиш, турли нуқтаи назарларни таққослаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш	Аксиологик дунёқарашни ривожлантириш учун зарур ижтимоий-тарихий билимлар доирасини кенгайтириш
Тарихий воқеликнинг аксиологик моҳиятини тушуниш	Ўз хатти-ҳаракатининг тўғрилигига ишониш ва масъулиятни ҳис қилиш, бошқаларга таъсир кўрсатиш	Инсоннинг тарихий воқеликдаги ўрни ва роли ҳақидаги тавсаввурлар, ўз-ўзини таҳлил қилиш кўникмаси
Тарихий воқеликни аксиологик баҳолаш	Ишончининг барқарорлиги	Тарихий воқеликка нисбатан умумлашган нуқтаи назарлар тизимининг ривожланганлиги

Тажриба-синов ишлари Наманган, Фарғона, Андижон, Қарши давлат университетларининг тарих бакалавриат таълим йўналишлари талабалари билан ўтказилди. Тажриба-синов ишларига мазкур олий таълим муассасаларининг 324 нафар талабаси жалб этилди. Натижаларни ҳисоблаш учун 162 нафар тажриба ва 162 нафар назорат гуруҳлари натижалари асос сифатида олинди.

